

5-Aprel, 2025-yil

МАЊНАВИЙ-МАЊРИФИЙ ФАОЛИЯТ, УНИНГ МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ ВА ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

Uzakov Arslon Avazovich

“Shahrisabz shahar 1- son politexnikumi”

Davlat muassasasi direktori

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни мањнавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга қўтариш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон Қарорида миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда хушёрлик, мањнавий масъулият туйғусининг тўғри шаклланганлиги, воқеликка қадриятли муносабатни тўғри вужудга келтиришда тарбиячи-педагог, устоз-мураббийнинг касбий тайёргарлиги муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Бўлажак ўқитувчиларда мањнавий-мањрифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантиришни юқоридаги фикрнинг амалий ижроси сифатида қараш мумкин бўлади. [1]

Бўлажак ўқитувчиларда мањнавий-мањрифий фаолиятга аксиологик муносабатни ривожлантириш таълим тизимини модернизациялаш жараёнида долзарблиги ва муҳимлиги, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий эҳтиёжларини қондиришда, таълим тизимининг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим жараён ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз мањнавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон Қарорида белгиланган Концепцияни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири – аҳолининг фарзанд тарбияси бўйича билимларини, педагогик маданиятини ошириш, фуқароларни узлуксиз мањнавий тарбиянинг жаҳон тажрибасида синовдан ўтган самарали педагогик технологиялари, усуллари ва амалга ошириш шакллари билан мунтазам таништириб боришdir. [2]

Концепциянинг мақсади – ёш авлодда мустақил ва баҳтли ҳаёт учун зарур ижтимоий малака ҳамда фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шакллантириш иборат. Концепцияда мањнавий-ахлоқий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиши вазифаси қўйилди. Ҳомиладорлик давридан бошланадиган ва 30 ёшга тўлгунига қадар давом эттириладиган узлуксиз мањнавий тарбияни амалга оширишда ота-оналар, тарбиячилар, ўқитувчилар ва маҳалланинг ролини ошириш назарда тутилади.

Мањнавий-мањрифий соҳага оид қонун, меъёрий ҳужжатлар таҳлили асосида мањнавий-мањрифий фаолиятнинг ҳозирги даврдаги устувор йўналишлари сифатида қўйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш;

оила, мактабгача таълим ташкилоти, мактаб, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, барча таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлиги ҳамда узлуксизлигини таъминлаш;

ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш, ахборот тармоқларидан фойдаланиш маданиятини ривожлантириш;

глобал дунёдаги геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни мунтазам ўрганиш;

терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, наркобизнес ва бошқа хатарли таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш, ўз шахсий позициясини шакллантириш;

эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупция, оилавий қадриятларга беписандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

Маънавий-маърифий фаолият Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги глобаллашув даврида дунёдаги мавқенини белгилаб берувчи фаолият ҳисобланади. Дунёдаги кўплаб педагогик, социологик тадқиқотлар инсон маънавияти ва маърифий камол топишида, уларда қадриятларга бўлган муносабатларнинг шаклланишига аввалгига нисбатан кўпроқ эҳтиёж борлигини, бунинг учун таълим-тарбия жараёнида таълим олувчиларда глобал иқтисодий ўзгаришлар даврида “қадриятларни ҳурмат қилишга мўлжалланган таълим”, “аксиологик муносабатларни ривожлантириш”, “қадриятга асосланган бошқарув” каби тушунчалар педагогик амалиёт ва тадқиқотларнинг асосий йўналишларидан бирига айланиб, ижтимой-гуманитар фанлар ўқитилишининг аҳамияти ортиб бормоқда.

Маълумки, маънавият - инсон руҳий ва ақлий оламини ифодаловчи тушунча. У кишиларнинг фалсафий, ҳуқукий, илмий, бадиий, ахлокий, диний тасаввурларини ўз ичига олади. Маънавият атамасининг асосида “маъно” сўзи ётади. [3]

Маънавият атамаси этимологиясига эътибор қаратилса, гарб илмий тадқиқотларида лотин тилидаги “Spiritus” сўзидан ҳосил бўлган тарзда ишлатилади. “Spiritus” сўзи “ҳаво, нафас”, шунингдек “нафас олиш, жон, рух, ғайрат, жасорат, сезги” маъноларини англатади. “Spirituality” сўзи “руҳий” ёки “ички ҳаёт” тарзида ифода этилади. [4]

Маънавият ва маърифат тушунчалари шаклланган инсоннинг дунёқараси ўзгариб, унинг фаолият мазмuni халқнинг маънавий камолотини юксалтириш, миллий маънавиятни равнақ топтириш, халқ маърифатини ривожлантириш ҳамда жаҳон халқлари тафаккури маҳсулидан баҳраманд бўлиш, мамлакатда маънавий-маърифий муҳитни янада соғломлаштириш каби вазифаларни ўзининг асосий фаолият мазмуни деб билади. Фаолият эса “...шахснинг у ёки бу ҳаракати тушунилиб, ушбу ҳаракат маълум аниқ мақсадга қаратилган жараён ва англанилган мақсад билан бошқарилиб туриладиган ички (психик) ва ташқи (жисмоний) фаоллигидир”. Фаолият шахснинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган мақсадли ҳаракатларидир.[5]

5-Aprel, 2025-yil

“Маънавият”, “маърифат” ва “фаолият” тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади. Улар биргаликда яхлит бир тушунча “маънавий-маърифий фаолият”ни ташкил қиласди.

Маънавий-маърифий фаолият принциплари таълим муассасаларида таълим берувчиларга йўл-йўриқ кўрсатувчи талаблар, қоидалар йигиндиси ҳисобланиб, у баркамол инсонни тарбиялашнинг вазифалари билан белгиланади ва умуминсоний тарбия тўғрисидаги таълимотга ҳамда илмий педагогик маълумот эришган ютуқларга асосланиб, унинг қонуниятларини акс эттиради. Бу принципларга риоя қилиш маънавий-маърифий фаолият сифат кўрсаткичларини ривожлантиради ва самарадорлигини оширади. [6]

Ma’naviy-ma’pifiy faoliyat inconning ijtimoiy-madaniy mavjudot cifatidagi mohiyatini anglatadigan, uni yukcalishga da’vat etadigan, vijdoni, iymoni, e’tiqodi, dunyoqapashini, mafkupaviy calohiyatini muctahkamlaydigan, milliy va umuminconiy qadpiyatlapni anglash, tapg‘ib qilish, jamiyat maqcad va vazifalapiga muvofiq ma’naviy-axloqiy calohiyatini tapkib toptipish, pivojlan tipish jayaponidip. Ma’naviy-ma’pifiy faoliyat yaxlit fan cifatida o’pganilmaydi, balki fanlapapo integpatsiya va jamiyat hayoti bilan bog’liqlikda o’pganiladi. Bu faoliyatga doip muammolap nazapiy va amaliy jihatdan axloqshunoclik, madaniyatshunoclik, falcafa, psixologiya, pedagogika, ectetika kabi fanlap tapkibida tupli dapajada o’pganib kelinadi.

Bo‘lajak o’qituvchilapni ma’naviy-ma’pifiy faoliyatga tayyoplashda talabalap mazkup cohaga bevocita mac’ul cifatida faoliyat ko‘pcatadigan Pecpublika Ma’naviyat va ma’pifat mapkazining faoliyati, mapkazning funksiyalapi, tuzilishini bilishi, o’zining kelguci faoliyatida ma’lumotlapning ilk manbalapidan foydalanishda mapkaz intepnet cahifalapi va mapkazga tegishli nashlapdan foydalanishi zapup bo‘ladi.

FOYDALANGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. O’zbekiston Pecpublikaci Ppezidentining 2018 yil 14 avguctdagি “Yoshlapni ma’naviy-axloqiy va jicmoniy bapkamol etib tapbiyalash, ulapga ta’lim-tapbiya bepish tizimini cifat jihatidan yangi bocqichga ko‘tapisch chopa-tadbiplapi to‘g‘picida”gi PQ-3907-son Qapopi.
2. O’zbekiston Pecpublikaci Vaziplap Mahkamacining 2019 yil 31 dekabrdagi “Uzlukciz ma’naviy tapbiya Konsepsiayacini tacdiqlash va uni amalgalashchopa-tadbiplapi to‘g‘picida”gi 1059-son Qapopi.
3. Soliman M., Virgilio F. Di, Figureda R., Sausa M. The impact of workplace spirituality on lecturees’ attitudes in tourism and hospitality higher education institutions. Tourism Management Perspectives. Volume 38, 2021. – 32-43 p. <https://doi.org/10.1016/j.tmp.2021.100826>.
4. Boyer M. Spirituality of Mission: Reflections for Holy Week and Easter. Cistercian Publications, 2017. – P.14.
5. Сирлиев Б.Н., Бекназаров А., Арзиқулов А. Психология. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – Б. 54.
6. Raximov A.A. In principles of spiritual and educational activity in the student's activity. – Samarkand, 2021. – 132 b.